№ 13
(24985)
2025-yil 28-mart, juma

Gazeta 1914-yil 3-apreldan "Sadoi Farg`ona" nomi bilan chiqa boshlagan t.me/farhaqiqati

# Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta http://farhaqiqat.uz/



## ЭКО ШАҲАРДА "МЕДМА" ЛОЙИҲАСИ РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА

**Фарғонага Россиянинг "Медма" халқаро тиббий компаниялар гуруҳи президенти Юлай Магадеев ташриф буюрди. Уни ва делегация аъзоларини вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров қабул қилди.**

Мазкур халқаро тиббиёт компанияси онкология, диализ, кардиология, репродуктив саломатлик каби турли йўналишларда фаолият олиб боради. Унинг турли давлатларда 80 дан ортиқ клиникалари мавжуд.

Самимий руҳда ўтган мулоқот чоғида Фарғона шаҳридаги "Янги Ўзбекистон" массивида "Медма" компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилиши режалаштирилаётган истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди, ўзаро ҳамкорлик масалалари бўйича келишиб олинди.



## "ҚЎҚОН" ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИДА ЯНГИ АККУМУЛЯТОР ЗАВОДИ

**Ўзбекистон бозорига скутерлар кириб келганига бир неча йил бўлди. Дастлаб улар чет мамлакатлардан олиб келинган. Сўнгги йилларда уни "Қўқон" эркин иқтисодий зонасидаги "Bodo" каби хусусий корхоналарда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Аммо ҳалигача бу скутерларга аккумулятор Хитой ва бошқа давлатлардан келтирилмоқда. Эндиликда шу эркин иқтисодий зонада Наврўз байрами кунлари скутерлар учун қувват батареялари – аккумуляторлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

– 21 миллион АҚШ доллари сармоя киритилади лойиҳага. Ҳозиргача 11 миллион доллар ўзлаштирилди ва кунига 1000 донадан скутерлар аккумуляторлари ишлаб чиқариш бошланди, – дейди "Hong Gong" Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонаси иш юритувчиси Ниёзулло Юсупов. – Келаси ойдан ишчилар сони 300 нафарга етади ва икки сменада иш ташкил этилади.

Скутерлар орасида 500 килограммдан 1,5 тоннагача юк кўтара оладиган ва ташийдиганлари бўлиб, уларга турли қувватдаги аккумуляторлар керак. "Hong Gong" қўшма корхонасида ҳозирча 7 турдаги скутерларни ҳаракатлантирувчи батареялар ишлаб чиқарилмоқда. Қўрғошин, фильтр, ёпиштириш суюқликлари – борингки, аккумуляторнинг барча қисмлари шу ерда тайёрланади. Хитойлик ҳамкорлар – юқори малакали мутахассислар маҳаллий ёшларга касб ўргатишмоқда.

– "Қўқон" эркин иқтисодий зонасидаги инвестицион муҳит, солиқ имтиёзлари ҳақида шу ерда илгарироқ корхона очган ватандошларимдан эшитган эдик, – дейди Жу Жи Фанг. – Ўзбекистон бозорида скутер аккумуляторларига эҳтиёж катта экан. Биз технология олиб келдик, ўзбекистонлик тадбиркор бино-иншоотлар қурди. Мана, дастлабки маҳсулотимизни ички бозорга юборишни бошладик.

Ҳали корхонада ишлаб чиқариш билан бирга, қурилиш-монтаж ва жиҳозларни синаш жараёни ҳам давом этмоқда.

– Ҳозир аккумуляторларнинг қутилари Хитойдан олинянти. Биз зарур технологик жиҳозларни келтириб ўрнатдик. Келгуси ойдан уни ишга туширамиз. Ўшанда скутер аккумуляторлари юз фоиз ўзимизники бўлади, – дейди Ниёзулло Юсупов.

"Hong Gong" корхонаси келгусида ўз маҳсулотини экспорт қилиш чораларини ҳам кўрмоқда.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ.**
**Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.**




## Муҳаммаджон Обидовнинг "КУСТО ОРОЛИДА 10 КУН" саргузашт қиссаси араб тилида

**Таниқли ўзбек журналисти ва ёзувчи Муҳаммаджон Обидовнинг "Кусто оролида 10 кун" номли саргузашт қиссаси Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёз шаҳридаги Ахборот араб-рус тадқиқотлари маркази томонидан араб тилида нашр этилди.**

Мазкур саргузашт қиссага журналистнинг реал ҳаётда бошидан кечирган воқеликлар асос қилиб олинган. Муаллиф асарда драматик ҳолатлар яратади ва улар орқали бир неча минг йиллар аввалги ҳаёт тарзини кечираётган оролликларга бугунги замондош кўзи билан боқади. Китобни ўқир экансиз, меҳр-оқибат, вафо, одамгарчилик каби инсоний туйғулар вақт билмаслигини, улар ер юзида ҳаёт пайдо бўлганидан то қиёматгача абадий давом этишига иқрор бўласиз.

Сайёҳ – "Ҳасан" ва таржимон – "Ҳусан" ўртасида қарор топган дўстлик, қабила бошлиғининг қизи "Гўзал" ва сайёҳ – журналист Сарвар қалбида ниш ура бошлаган меҳр ҳам замон чегарасини билмас туйғулар эди.

Ушбу таржима Саудия Арабистони Маданият вазирлиги Адабиёт, таржима ва нашр ҳайъатининг "Таржима қилинг" ташаббуси ҳомийлигида Ахборот араб-рус тадқиқотлари марказининг ўзбек-араб адабий алоқалари лойиҳаси доирасида Саидмирзо Сайдумаров томонидан араб тилига ўгирилди.

Ахборот ва араб-рус тадқиқотлари маркази халқаро муносабатларни тадқиқ этиш билан бир қаторда, жумладан, ўзбек маданияти ва адабиётини ўрганиш ва таржима қилишга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Марказ томонидан Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён" романлари, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Саид Аҳмад, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Хуршид Дўстмуҳаммад ва бошқа бир қатор таниқли ўзбек адиблари асарларини қамраб олган "Ўзбек адабиётида ҳикоя жанри. Адабий-танқидий тадқиқот ва танланган ҳикоялар" китоби араб тилига таржима қилиниб, нашр эттирилган.

**Ўз мухбиримиз.**



**Дилноза ХОДЖАЕВА,**
**Қўқон давлат педагогика институти ректори**

## ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Фарғона вилоятидаги олий таълим муассасаларининг мавжуд ресурсларидан самарали фойдаланиш, илғор хорижий тажрибаларни жорий қилган ҳолда юқори малакали ҳамда халқаро талабларга мос профессионал кадрлар тайёрлашни янги босқичга кўтариш мақсадида Қўқон давлат педагогика институти, Тошкент давлат техника университети Қўқон филиали ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Фарғона минтақавий филиали негизида Қўқон давлат университети ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 24 январдаги "Фарғона вилоятидаги олий таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида Қўқон давлат университетини ташкил этиш учун қатор вазифа ва топшириқлар илгари сурилди. Уларнинг ижросини босқичма-босқич таъминлаш ишлари олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



## ИЙДИ РАМАЗОН МУБОРАК!

Яқинлашиб келаётган кунлар Моҳи Рамазон ҳайитига чорлайди. Бу байрам чин маънода раҳмат ва марҳаматга тўла кунлар дейилади. Хушдарак онлар Яратганнинг бизга бўлган инъом ва мурувватини улашаркан, кўнгилдан ҳиммат ва саховат, меҳр ва силаи раҳм тошади. Рамазон ҳайитида етимларни йўқлаш, кам таъминланган ва ногиронлиги бўлган ҳамюртларимизнинг кўнглига қувонч улашиш қадимий қадриятларимиз, исломий одобларимиздан саналади. Бир ой ихлос билан тутган рўзаларимиз якунига етаркан, улуғ кун муносабати билан ҳадялар улашамиз. Ҳақдорларга закоту, садақотларни етказишга ҳаракат қиламиз.

(Давоми 2-бетда).



**Бобур АЛИХОНОВ,**
**Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ўқитувчиси**

## ОДДИЙ ҲАЙРАТ ЭМАС БУ

### ЁКИ СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИНГ ИНСОН ҲАЁТИГА ЖУДА ОСОН КИРИБ БОРАЁТГАНИ ХУСУСИДА

**Ушбу катта интервьюга олти ойдан кўпроқ вақтим кетди. Аммо якунда сарфлаган кунларимга ачинмадим.**

Кўп йиллик фаолиятим давомида ёши, касби ва миллати турлича бўлган кишилар билан суҳбатлар қурганман. Ҳар сафар мулоқотга киришганда, албатта, суҳбатдошимнинг кўзларига қарардим. Чунки айнан инсон нигоҳида кўнгил акс этади. Шу тариқа сўзлардаги самимият ёхуд сохталик аломатларини илғаб олишга ҳаракат қилардим. Инчунун, "Кўз – кўнгил ойнаси", деб бежиз айтишмаган.

Тўғри, баъзан телефон орқали ҳам мулоқотлар уюштирганман. Гарчи бунда суҳбатдошнинг юзини кўрмасам-да, унинг овози орқали ҳам кўп нарсани илғаш мумкин бўларди. Бироқ бу галги суҳбатдошим ҳеч бир тоифага мансуб эмас. У – бугунги жамиятга анчайин сингиб қолган сунъий интеллект (СИ) – (инг. AI – Artificial intelligence). Таажжубланарлиси шундаки, у бир пайтнинг ўзида бор бўлиб йўқдек, йўқ бўлиб бордек.

Хуллас, тажриба тариқасида мулоқотда ундан бинойидек, лўнда, аниқ, яъни, саволларим моҳиятига монанд, лекин айрим ҳолларда бироз ғалати жавоблар ола бошладим. "Ҳамсуҳбатим"нинг фикрлаш доираси ва изоҳлаш услуби ҳақида ўқувчида реал тасаввур уйғониши учун унинг жавобларини деярли таҳрир қилмадим.

(Давоми 4-бетда).




# ЎТГАН ЙИЛ САРҲИСОБИ, ЯНГИ ВАЗИФАЛАР ТАҚДИМОТИ

**Вилоят ахборот кутубхона марказида Фарғона вилоятини 2024 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар ва 2025 йилда эришиладиган натижаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**



Унда вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари – иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси бошлиғи Мирзоҳид Убайдуллаев, вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Шерзод Полвонов, вилоят бўлим ва бошқармалари раҳбарлари иштирок этди.

Кун тартибига қўйилган масала юзасидан Мирзоҳид Убайдуллаев батафсил ахборот берди.

Таъкидландики, вилоятимизда иқтисодий кўрсаткичлар йил сайин ўсиб бормоқда. Ўтган йили инвестицияларни жалб этиш, кичик ва ўрта бизнес вакилларини фаол қўллаб-қувватлаш, янги турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартириш, ҳудудларни ободонлаштириш, ижарага берилган ерларда "Бир контур – бир маҳсулот" тамойили асосида юқори қийматли қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилди. Бу эса халқимиз турмуш фаровонлигининг юксалишига хизмат қилмоқда.

Вилоятда 2024 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми аввалги йилга нисбатан 6,8 фоизга кўпайди. Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7,6, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 4,8, хизматлар кўрсатиш 12,3, қурилиш ишлари 8,5 фоизга ортди. Аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш 4,5 фоизга кўпайди. "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йили"да ҳам бу борада катта вазифалар белгилаб олинди.

Матбуот анжуманида яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, вилоятни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, иқтисодий кўрсаткичларнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, ҳудудлар инфратузилмасини муттасил янгилаб бориш, саноат зоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, тадбиркорликка янада кенг йўл очиш, хорижий инвестициялар жалб этишни кўпайтириш борасидаги устувор вазифалар, кутилаётган иқтисодий кўрсаткичлар рақамларда айтиб ўтилди. Журналист ва блогерлар томонидан берилган саволларга жаvoблар қайтарилди.

**Абдужалил БОБОЖОНОВ.**

# ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ



**(Бошланиши 1-бетда).**

Қайд этиш лозимки, эндиликда фаолияти тугатилаётган олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган барча талабалар ўқишини янгидан ташкил этилган мазкур университетда давом эттиради.

Олийгоҳимизга берилаётган янги мақом, албатта, унинг таркибий тузилишида ҳам бир қанча ўзгаришлар бўлишига замин яратмоқда. Хусусан, Қўқон давлат университети фаолиятини ташкил этиш бўйича тасдиқланган "Йўл харитаси"га мувофиқ, оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул бериладиган объектлар, бириктирилаётган ўрта махсус ҳамда касбий таълим ташкилотлари рўйхати шакллантирилди.

Университетнинг ташкилий тузилмаси ва харажатлар сметасини тасдиқлаш учун тажрибали мутахассислар, педагог ходимлар ва олимлардан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Кадрлар буюртмачилар талабларига мос ташкил этилиши зарур бўлган кафедралар рўйхати шаклланди. Янги ўқув йили бошлангунига қадар, кафедралар зарур ўқув-услубий ва меъёрий-услубий ҳужжатлар билан таъминланади.

Бугунги кунда университетнинг бошқарув кадрлари лавозимларига олий таълим ташкилотларида юқори натижалар кўрсатган, узоқ йиллик иш тажрибасига эга, хорижий тилларни биладиган, нуфузли хорижий олий таълим ташкилотларида таҳсил олган ёки малака оширган мутахассисларни жалб этиш чоралари кўрилмоқда.

Рақамли технологиялар илдамлаб бораётган ҳозирги даврда барча соҳалар қатори таълим тизимини ҳам рақамлаштириш долзарб масалалардан бирига айланмоқда. Шу маънода, қарорда назарда тутилгани каби олийгоҳда талабаларга ўқиш давомида вужудга келадиган ташкилий ва ҳуқуқий масалалар юзасидан барча зарур хизматларни "ягона дарча" тамойили асосида кўрсатиш мақсадида "Регистратор офиси" фаолиятини йўлга қўйдик. Офис барча зарурий жиҳозлар билан таъминланди. Унинг таркибида хизмат кўрсатиш ва маълумотлар базаси бўлими ишламоқда.

"Регистратор офиси"да факультет деканлари ва кафедра мудирлари билан ҳамкорликда таълим соҳаси йўналишлари ва мутахассисликлари ўқув режаларига киритиладиган янги фан модуллари бўйича ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиққа киритиш, ўқув режаларига киритиладиган махсус курсларни малакали профессор-ўқитувчиларни жалб қилган ҳолда, юқори савияда ўтказиш, барча фан модуллари ва махсус курсларни фан ресурсларини ўз вақтида, белгиланган тартиб асосида тўлиқ электрон таълим платформасига жойлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, ўқув-услубий бошқарма, деканатлар, бухгалтерия, маркетинг ва амалиёт бўлими, илмий, халқаро алоқалар бўлимлари ўртасида ягона электрон ҳужжат айланишини таъминловчи "365.kspi.uz" тизими ишлаб чиқилди.

2025-2026 ўқув йилидан бошлаб Қўқон давлат университетида бакалавриат ва магистратура босқичларига ўқишга қабул қилинган иқтидорли талабалар учун дарслар хорижий тилларда ўқитиладиган алоҳида гуруҳлар ташкил этилади. Ўзаро келишувлар асосида республикадаги ҳамда етакчи хорижий олий таълим ташкилотларининг филиаллари билан академик мобиллик йўлга қўйилади.

Маълумки, ҳар бир талаба олий таълимни тамомлаганидан сўнг, ўзига муносиб иш топиши керак. Шу каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида битирув малакавий иши ҳамда магистрлик диссертация ҳимояларини иш берувчи корхона ва ташкилотларда ташкил этиш чораларини кўриляпти.

Вилоят ҳокимлиги кўмагида профессор-ўқитувчиларнинг илмий-тадқиқот ишлари ва амалий машғулотлар олиб бориши, талабаларнинг малакавий амалиёт ўташи учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида соҳа корхоналарида мутахассислик кафедралари филиаллари ташкил этилмоқда. Бунинг натижасида, талабалар амалиёт ўташ учун ҳудуддаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарига, юқори курс талабалари ҳақ тўланадиган амалиётга жалб этилади.

Университетни тажрибали ва юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш ишлари йўлга қўйилди. Улар учун янги ўқув йилидан бошлаб, етакчи хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотларига стажировка, малака оширишга юбориш амалиёти жорий қилинади.

Қўқон давлат университетида таълим жараёни халқаро таълим стандартларига асосланади. Ўқув жараёнини жаҳон таълим тизимига мослаштириш борасида амалий ишлар қилинмоқда. Хусусан, иш берувчилар таклифлари ва халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингида юқори ТОП-300 талик рўйхатга кирган хорижий олий таълим ташкилотлари дастурлари асосида таълим йўналишларининг фанлар каталоги мақбуллаштирилмоқда. Аудиториялар таълим мазмунини креатив фикрлаш, инновацион ғоя ва ишланмаларни шакллантиришга хизмат қилувчи таълим технологиялари билан бойитилади.

Бир сўз билан айтганда, Қўқон давлат педагогика институти, Тошкент давлат техника университети Қўқон филиали ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Фарғона минтақавий филиалининг умумий – Қўқон давлат университети номи остида бирлашуви натижасида муассасанинг моддий-техника базаси янада мустаҳкамланади, шунингдек, мамлакатимизнинг замонавий билим ва кўникмаларга эга олий маълумотли мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжи қопланишига катта ҳисса қўшилади.



# "ЁДГОРЛИК" — ИПАКЧИЛИК ШАҲРИНИНГ МАШҲУР КОРХОНАСИ

**Қадимий ипакчилик шаҳри – Марғилонда фаолият юритаётган, ипак маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган "Ёдгорлик" корхонаси 1924 йилда ателье шаклида ташкил этилиб, кейинчалик "Хон атлас" номи билан ўз маҳсулотларини бозорга чиқарган. 1991 йили ушбу корхона халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан туризм йўналишида алоҳида эътироф этилган.**

Бугунги кунда корхонада миллий ва замонавий йўналишларда маҳсулотлар тайёрланади ҳамда мато тури ва унинг яратилиш жараёни фақат қўл меҳнати асосида амалга оширилади. Шу сабабли ип ва жундан тайёрланган шолчалар, адрас, атлас, табиий бўёқлар ишлатилган матолар, улардан тикилган либосларга хорижда ҳам қизиқувчилар кўп. Бу ерда ҳатто ипак қолдиқларидан ҳам самарали фойдаланган ҳолда нафис гиламлар тўқилади.

Айни пайтда корхонада 40 нафар моҳир ҳунарманд фаолият кўрсатмоқда. Корхонада чет эллик ҳамкорлар билан яқин алоқалар ўрнатилиб, саноат туризмини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратиляпти. Чунки жаҳон бозорида юз фоиз табиий матолар ишлаб чиқарувчи, шу билан бир қаторда, пилла қуртидан ипак олувчи корхона маҳсулотларига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Шунингдек, бу ерда сайёҳлар учун меҳмонхона, мода кўргазмалари ўтказиш биноси, миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари билан тўлдирилган музей ҳамда корхона маҳсулотларининг шоруми ташкил этилган.

Корхонага ўтган йилда ўртача ўн минг нафар сайёҳ ташриф буюриб, миллий ҳунармандчилик санъати намуналаридан баҳраманд бўлдилар.

**Муқимжон ҚОДИРОВ.**

## Касаба уюшмаси ҳаёти:



# ФАОЛИЯТ МАЪҚУЛЛАНДИ

**"POSCO International textile" корхонасида 1136 нафар ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Улар касаба уюшмасига аъзоликдан манфаат кўриб келишмоқда. Ўтган беш йил давомида 75 нафар ишчилар ва яна шунча нафар ходимнинг ота-оналари касаба уюшмаси маблағлари ҳисобидан сиҳатгоҳларда соғликларини тиклашди, 567 нафар ходимга моддий ёрдамлар кўрсатилди, 336 нафарининг фарзандлари ёзги мавсумда болалар оромгоҳларида дам олишлари учун йўлланмалар берилди, 1148 нафар болажонлар учун ўқув қуроллари жамланмаси тарқатилди.**

Масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси қўмитасининг 2020-2024 йиллардаги фаолияти юзасидан ҳисобот-сайлов конференциясида юқоридаги каби амалга оширилган ишлар бўйича ахборот бериб ўтилди.

Сўзга чиққан ходимлар касаба уюшма қўмитасининг ҳисобот давридаги фаолиятини маъқулладилар. Шунингдек, тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқланди.

Конференцияда Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича масъул ташкилотчиси М.Абдуллаева корхона ишчи-ходимлари манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларни юқори баҳолади.

Делегатлар Гулнора Юсупованi муқобиллик асосида, очиқ овоз бериш йўли орқали жамият касаба уюшмаси қўмитаси раиси этиб қайта сайладилар. Шунингдек, касаба уюшмаси қўмитаси, тафтиш комиссияси таркиблари, тафтиш комиссияси раиси, Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят бирлашган қўмитаси ҳисобот-сайлов конференциясига делегатлар, вилоят бирлашган қўмитаси таркибига вакиллар сайланди.

**Зуҳрахон УМАРҚУЛОВА.**



# ИЙДИ РАМАЗОН МУБОРАК!

**Холмурод МАМАЖОНОВ, Фарғона шаҳар "Уммул қуро" масжиди имом-хатиби**

**(Бошланиши 1-бетда).**

Бу муқаддас байрам кунида ҳиммату саховат қилиш, ўзгалар кўмагига муҳтожлар ҳолидан хабар олиш ажр-савобларни зиёда этади. Топганимиз — нону ширинликлар олиб дарвозалар эшигидан кириб борарканмиз, қадрдон чеҳралар, гул-гун қиёфалардаги ризолик, болаларнинг табассуми юрагимизни ёритиб юборади. Ана шу лаҳзаларда кўнгилда шукронани туямиз.

Рамазон тақво, ҳилм, саховат ойи сифатида бизларни эзгу амаллар қилишга чорлади. Аллоҳ ўзининг Каломида "Эҳсоннинг мукофоти эҳсон", деб марҳамат қилади. Қўшнисига неъмат улашган, хасталар ҳолидан хабар олган, илм талабида юрган ёшларга шароит яратган, имкониятидан келиб чиқиб, орттирган маблағидан ҳақдорларга ҳиммат қилган мусулмон биродарларимизнинг бу хайрли ташаббуслари ортида улуғ мукофот турибди, иншааллоҳ. Халқимиз кўзларида қувонч билан, юраклари яшнаб, табаррук байрамни кутиб оляптилар. Кексалар ҳовучларини дуога тўлдирадилар. Бирни берганга Яратган мингни улашсин. Кулиб боққанга олам кулсин. Рамазон ҳайитининг табаррук лаҳзаларидан дастурхонимизга ризқу рўз, хайру баракот ёғилсин!

Ўзбекистон ўзбеклар билан бир қаторда мана шу заминда камол топаётган бошқа миллат вакилларига ҳам бирдек азиз маскан. Бу заминда дини ва миллатидан қатъи назар халқлар ўзаро аҳиллик, ҳамжиҳатлик билан умр ўтказмоқдалар. Дунё айвонида содир бўлаётган диний-экстремистик таҳдидлар, нотинчликлар барча эзгу ниятли инсонларни ўйлашга, мушоҳада қилишга даъват этади. Она диёримизнинг тинчлигини таъминлашга, Янги Ўзбекистонда одамларни рози қилиш йўлидаги ислоҳотлар-у, ташаббусларга лаббай, дея бел боғлашимиз, қўлдан келганча бир-биримизга моддий ва маънавий кўмак кўрсатишимиз, яратувчанлик ишқи билан яшашимиз — маънавий камолотимиздан дарак беради. Фазилат соҳиблари, ақл эгалари бугунги ҳаётни таҳлил этиб, шукрона қилишади. Яхшиликлар, неъматлар шунчалар кўпки, санаб адоғига етиб бўлмайди. Ўксик кўнгилларни хурсандчиликка тўлдириш, хасталик шукрини қилаётган одамларни зиёрат қилиш, отасиз ўсаётган болаларга тиргак бўлиш, оналарини йўқотган қизалоқларга силаи раҳм қилиш ҳар бир соф табиатли инсоннинг кўнгил амри. Улар бу амалларини холис Ҳақ йўлидаги мардоналик деб биладилар. Рамазон муносабати билан ортган бу каби хайрли ташаббуслар йил давомида мард йигитларимиз, ҳаёт ҳақиқатини англаган оила бошлиқларимизни ҳаракатга солаверади. Қўли очиқ ватандошларимиз саховат-мардлар фазилати эканини яхши тушунадилар. Айниқса, ҳайит кунларида бундай эҳсонлар кўпайиб кетиши, одамларнинг маърифати комиллашиб бораётганидан далолат. Раҳмон Парвардигорнинг ваъдаси ҳақиқат. Енг ичида қилинган яхшиликлар, соҳибига туганмас қувончлар келтириши ҳақиқат. Бу улуғ байрамни хурсандчилик айёми деб билмоқ керак. Мусибат етган хонадонларга бориб, йиғи-сиғилар қилишлик билан уларнинг дардини янгилаш, турли бидъат ва хурофотларга аралашиш керак эмас. Шундоғам озор топган дилларга ташвиш ортиш, исрофга йўл очиб, уларнинг харажатлари ортишига йўл қўймаслик керак. Улуғ кунлар файзидан бебаҳра қолмаслик учун ҳам хайрли ишларга шошмоқ керак. Бир ой рўзани ихлос билан тутиб, хайр топдим дея севинса-ю, кейин яна аввалги шўхликларни такрорлаб, гуноҳкор бўлишдан сақланмоқ керак. Нафсининг тарбияси йўлидаги жидду жаҳд одамзоднинг машаққатли юмуши бўлмоғи лозим. Тўқликка шўхликлар қилишдан аввал ўйлаш керак.

Сизга етган неъмат шукрини адо қилишга вақт борида савоблар томон шошилиш лозим. Мазлумга мадад берган, мусофирни суяган, кўнгли яримларни аяган одамлар кам бўлганини кўрмадик. Эҳсон қилганни бой топдик, берганни беҳожат кўрдик, хастани йўқлаганни саломат эканини кузатдик, дейишади кексалар билан суҳбатлашсак.

Ҳа, Ийди Рамазон бу диёрда яшаётган барча ватандошларимиз айёми. Бу Ватанда тинчлигу осойишталик барқарор экан, яхши кунлар бардавом бўлаверади. Юртдошларимизга Саодат айёми муборак бўлсин. Марҳабо, Ийди Рамазон, хуш келдинг, Ийди Рамазон! Олам аҳлига меҳр-шафқат, яхшилик улашадиган, бир-биримизга одамийлик эҳтиромини кўрсатадиган савобли онлар файзидан баҳрамандлик муборак бўлсин!



# ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ 95 ЁШДА

**Мамлакатимизда таълим тизимини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли йил сайин олийгоҳларда янгидан янги имконият эшиклари очилмоқда. Жумладан, олий таълим муассасаларига академик мустақиллик берилиб, ўқув режалар ва дастурлар ҳар бир таълим маскани томонидан мустақил ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши тартибининг жорий этилиши профессор-ўқитувчилар учун муҳим янгилик ҳисобланди. Бунда ўқитувчи дарс ишланмаларини ишлаб чиқилишида ўзининг таклиф ва ташаббуслари билан иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.**

## Имкониятлар КЕНГАЙМОҚДА

Муҳим ислоҳотлардан яна бири – янги стандартлар ва малака талаблари асосида олий таълим жараёни тўлиқ кредит-модуль тизимига ўтказилганидир. Натижада талабанинг дарс жараёнига бўлган масъулияти ошди. Шунинг баробарида, гуруҳ журнали, дарс ва имтиҳон жадваллари, талабанинг рейтинг дафтарчаси, ўзлаштириш қайдномалари, давомат ҳисоботлари, диплом ва академик маълумотномалар рақамлаштирилди.

Ортиқча қоғозбозликдан воз кечиш, турли ҳисобот ва маълумотлар сонини кескин камайтириш, бошқарув тизимини рақамлаштириш мақсадида "Рақамли университет" лойиҳаси ишга туширилди.

Рақамлаштириш жараёни талабалар учун бир қатор хизматларни йўлга қўйди. Жумладан, барча битирувчи талабаларга диплом ва унинг иловасини электрон тарзда олиш имкони яратилди. Давлат олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил оладиган талабаларга шартномаларини тўлиқ электрон шаклда тақдим этиш хизмати жорий этилди.

Айни вақтда, университетимизда ўқув, илмий ва молиявий фаолиятлар рақамлаштиришга қаратилган бўлиб, ҳисоботлар ва статистик маълумотлар фақат электрон тарзда шакллантирилмоқда.

Профессор-ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар, ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий фаолият билан шуғулланишларига зарур шарт-шароит яратиш мақсадида замонавий жиҳозлар билан таъминланган, республикамиздаги барча ахборот-ресурс марказлари билан интеграция қилинган кутубхоналар фаолият юритмоқда.

Талабаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тўлов-контракт асосида таълим олаётган 1 ва 2-гуруҳ ногиронлари, тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган талабаларга стипендия давлат бюджети ҳисобидан тўланмоқда.

Таълимнинг бакалавр, магистратура ва докторантура босқичларида таҳсил олаётган талабаларнинг илмий ишланмаларини тижоратлаштиришга муҳим аҳамият қаратилмоқда. Бу билан ёшлар яратган тежамкор технологиялар ёрдамида мамлакатимизда ресурс самарадорлигига эришиш кўзда тутилмоқда.

Ислоҳотларнинг амалий ифодасини ёшларнинг илм олишга бўлган иштиёқи ортиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, ўтган ўқув йилида Фарғона давлат университетига 3776 нафар ёшлар талабаликка қабул қилинди. Мазкур кўрсаткич олий таълимга қамров даражаси йил сайин ўсишда давом этаётганидан далолат беради.

**Илҳомжон СОЛИЕВ,**
**Фарғона давлат университети "Мактабгача таълим" кафедраси мудири.**

**Олийгоҳ таълим-тарбия ўчоғидир. Бу масканда маънавий-маърифий ишларнинг кўлами ва миқёсини кенгайтириш, дунёда юз бераётган мураккаб жараёнлар даврида соғлом мафкурага ёт ғоялар, хусусан, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, "оммавий маданият" ва бошқа таҳдидларга қарши самарали мафкуравий кураш олиб бориш бугунги куннинг долзарб вазифаси саналади.**

## Жаҳолатга қарши МАЪРИФАТ БИЛАН

Ёшлар турли диний оқимларнинг туб моҳиятини англаб етмасдан, жаҳолат қурбонига айланаётган бир даврда маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур" деган ҳаққоний фикрларини ёдга олиш ўринлидир.

Фарғона давлат университетида ёшлар онгида "маънавий бўшлиқ"қа йўл қўймаслик мақсадида маънавий-маърифий тадбирлар кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлган театр санъатини ривожлантириш учун фаол ва ижодкор ёшлардан иборат "Талабалар театр студияси" фаолият олиб бормоқда. Ёш санъат шайдолари турли саҳна асарлари орқали миллий қадриятларимизни ёшлар онгига сингдиришмоқда.

Шунингдек, университетнинг "Мактабгача таълим" кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан тараққийпарвар жадидларимизнинг миллат саводхонлиги учун олиб борган курашлари илмий асосда ўрганилиб, бу борада давра суҳбатларининг ташкил этилаётгани ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириб, маънавий-маърифий соҳада фаоллашувига кўмак бермоқда.

Маънавий оламни бойитиш, оқни қорадан ажрата олиш кўникмасига китоб мутолаасисиз эришиб бўлмайди. Шу боис, ёшларимизни китобхонликка жалб этиш йўлидаги эзгу ишларимиз ҳамиша бардавом. Китобхонлик кўрик-танловлари нафақат талабалар, балки устоз-мураббийлар иштирокида ҳам ўтказилмоқда.

Маънавиятни тараннум этувчи ҳар қандай жараёнга ёшларни кенг жалб қилиш, уларда масъулият ва дахлдорлик ҳиссининг уйғонишига туртки бўлмоқда. Бу эса ташаббусларимизнинг сифати ва самарадорлигини янада оширади, ўқув жараёнларининг миллий, ахлоқий қадриятларимиз, миллий ғоя ва маданиятимиз, маънавий меросимиз билан уйғун ҳолда ҳамда замонавий шакллар, интерактив услублар асосида ташкил этилишига замин яратади.

**Ойгул МАҲМУДОВА,**
**Нигора САИДОВА,**
**Фарғона давлат университети "Мактабгача таълим" кафедраси катта ўқитувчилари.**

Жараён

**Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг мутлақо янги механизмлари жорий этилмоқда, ҳуқуқбузарликни содир этишга сабаб бўлаётган ижтимоий-маиший муаммоларни ижтимоий профилактика чоралари тизими орқали ҳал этиш ҳамда аҳолида шахсий хавфсизлик ҳиссини шакллантириш борасида самарали чора-тадбирлар олиб борилмоқда.**

## Маҳаллаларда ХАВФСИЗ МУҲИТ ЯРАТИЛАДИ



Жорий йилнинг 3 январида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган "2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор ҳам айнан маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Эндиликда давлатимиз раҳбари қабул қилган қарор ижроси бўйича маҳаллаларда хавфсизликни таъминлашга қаратилган тизимли ёндашув ва стратегиялар ишлаб чиқилади. "Йўл харита"лари, манзилли чора-тадбирлар дастури асосида аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни ошириш ва кибержиноятлардан эҳтиёт бўлиш юзасидан тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилади. Булар, ўз навбатида, юртдошларимизнинг тинч ва хавфсиз турмуш шароитларини таъминлашга хизмат қилади.

Президент қарори маҳаллалардаги хавфсизликни таъминлашда янги моделни жорий этиш муҳим босқични ташкил этди. Тизимнинг самарадорлигини ошириш учун эса янги технологиялар, методологиялар ва ҳуқуқий чора-тадбирлар жорий этилиши кўзда тутиляпти. Шу билан бирга, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратишнинг ташкилий-профилактик асосларини замон талабларига мослаштириш, содир этиладиган қонунбузилишларнинг асл омилларини ўз вақтида аниқлаш ва комплекс чора-тадбирлар билан манзилли бартараф этиш орқали жиноятчиликнинг барвақт олдини олишга эришиш мумкин.

Эътиборлиси, масъул идоралар ва муассасалар учун 2025 йилда "Ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш" устувор вазифа этиб белгиланди. Барча туман (шаҳар) раҳбарларига, Миллий гвардия қўриқлаш хизмати бошлиқларига ва ички ишлар органлари бошлиқлари ўринбосарларига жорий йилда криминоген вазият оғир маҳаллалар номманом бириктирилмоқда. Илмий ташкилот ва таълим муассасалари томонидан эса жиноят содир этилган маҳаллаларда илмий ёндашувлар асосида ўрганишлар ўтказилади.

Бундан ташқари, маҳаллаларда ёшлар, аёллар ва ишсизлар томонидан, шунингдек, оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишда "маҳалла еттилиги" ҳар бир вакилининг аниқ масъулиятини белгилаш, ушбу тоифадаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига янгича иш услубларини татбиқ қилиш белгиланди. Мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этишга жамоатчилик вакиллари, нуронийлар ва маҳалла фаолларини кенг жалб этиш кўзда тутилган.

Маҳаллалар жамоат жойлари ва яшаш хонадонларида хавфсиз муҳит яратиш, фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига ҳар қандай тажовузларнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига замонавий рақамли технологиялар ва техник воситалар жорий этилади.

Мақсаддан келиб чиқиб, йил мобайнида доимий фаолият кўрсатувчи Республика идоралараро мувофиқлаштириш ишчи гуруҳи жойларга бевосита чиққан ҳолда тизимли мониторинг ишларини олиб боради. Ҳар ой якунида криминоген вазият оғир ва жиноят содир этилган маҳаллаларда амалга оширилаётган ишларнинг аҳволи ва натижадорлиги бўйича масъул идора ва муассасалар билан танқидий муҳокамалар ўтказилиб, ушбу масалага масъулиятсизлик билан ёндашган раҳбарларга нисбатан лавозимидан озод этишгача бўлган таъсир чоралари кўрилади.

Қарорга асосан, вилоятлар марказлари ва криминоген вазият оғир туман (шаҳар)лар маҳаллаларида хизмат олиб борувчи ички ишлар органлари профилактика кичик инспектори лавозими киритилмоқда. Улар меҳнат миграциясидан қайтиб келган фуқаролар, мактаб битирувчилари, талабалар билан ижтимоий профилактика чоралари доирасида манзилли ишларни амалга оширади. Ҳар бир туман (шаҳар)нинг тўртта секторида криминоген вазият оғир маҳаллаларда камида иккитадан "намунали хавфсиз кўча" ва бештадан "намунали хавфсиз йўлак" ташкил этилади.

Айтиш жоиз бўлса, мазкур қарор давлатнинг ижтимоий хавфсизлик соҳасидаги стратегиясининг муҳим қисмига айланиши шубҳасиз. Агар биз маҳаллани улуғ қадриятлар бешиги, инсонни жамиятнинг бир қисми бўлишга ўргатадиган, уни бағрикенглик ва халқпарварлик руҳида тарбиялайдиган макон деб билсак, жойларда жиноятчиликни камайтириш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш қанчалик муҳимлигини янада теранроқ англаймиз.

**Муроджон ҚОДИРАЛИЕВ,**
**Фарғона шаҳар адлия бўлими бошлиғи.**
**Сардорбек ИМИНБОЕВ,**
**бош маслаҳатчи.**

## "ДЕПУТАТ ОЛИМПИАДАСИ" ҒОЛИБЛАРИ РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

**Қувасой шаҳридаги 25-умумий ўрта таълим мактабида "Депутат олимпиадаси"ни ўтказиш анъанага айланиб қолди. Мазкур тадбир орқали фанларни яхши ўзлаштираётган, иқтидорли, одоб-ахлоқи билан тенгдошларига намуна бўлиб келаётган ўқувчилар халқ депутатлари Қувасой шаҳар Кенгаши депутати Мўйсинжон Меҳмонов томонидан рағбатлантирилмоқда.**

Навбатдаги билимлар синовида ўқувчиларимиздан Маҳмудахон Ўлмасова она тили, Муниса Алижонова тарих, Нуриддин Садридинов информатика, Асадбек Ҳалимжонов математика, Дониёрбек Одилжонов рус тили, Нозимахон Арабжонова биология, Сардорбек Ҳамралиев физика, Заҳрохон Файзуллаева инглиз тили, Зулайҳо Мирзажонова кимё фанларидан ғолиб бўлишди. Уларга Фахрий ёрлиқлар ва ноутбук топширилди.

**Шоирахон КОМИЛОВА,**
**мактаб директори.**

## ҲУРМАТЛИ САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИ!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг қарори билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигидан 2018 йил 19 июнда 3024-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган "Ижро ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларига мувофиқ, ижро ҳужжатларига асосан мол-мулкни сотиш бўйича савдо ташкилотлари ўртасида танлов ўтказиш белгиланган.

Бунда, савдо ташкилотларини аниқлаш ташкил этилган танлов комиссияси асосида амалга оширилади.

Танловда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган, турғун савдо шохобчаси мавжуд юридик шахслар қатнашишлари мумкин.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Фарғона вилояти бошқармасида 2025 йил 3 апрель куни ўтказилади.

Савдо ташкилотларидан аризаларни қабул қилиш 2025 йил 1 апрель кунигача амалга оширилади.

Танлов ғолибларини аниқлаш икки босқичда амалга оширилади.

Танлов ҳақида батафсил маълумотни бюронинг Mib.uz сайти ҳамда ҳудудий бошқармалардан олиш мумкин.

Мурожаат учун бюронинг Фарғона вилоят бошқармаси телефони: 73 244-15-91.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Фарғона вилояти бошқармаси.**

Касбим — фахрим



## БЕМОРЛАРГА ШИФО УЛАШИБ

**Дунёда касблар кўп, ким қайси соҳада бўлмасин, ўз вазифасига сидқидилдан ёндашиши касбий малакасининг ошишига олиб келади. Мен ҳам ҳамширaликни танлаётганимда беморлар дардига малҳам, жони оғриган ҳар инсонга далда бўлишни ният қилганман.**

Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона вилоят ҳудудий филиали шифохона бўлимида икки нафар малакали шифокор, ўн нафардан зиёд олий тоифали ҳамшира ва кичик тиббий ходимлар фаолият юритмоқда. Шифохонамизда тери касалликлари билан оғриган беморлар даволанади. Биз уларнинг шифо топишларига ҳаракат қиламиз.

Бизга мурожаат қилаётган беморларнинг аксарияти ёшлар бўлиб, уларни кўп ҳолларда витилиго касаллиги ва ҳусунбузар безовта қилади. Тажрибали шифокорлар бу дардни бартараф этиш мақсадида янги даво усулларидан фойдаланиб, физотерапевтик муолажалар олиб боришмоқда.

Кўп ҳолларда витилигога чалинган беморларда тушкунликка тушиш ва ўзини одамлар ичида ноқулай ҳис қилиш ҳолатлари кузатилади, лекин улар муолажалардан сўнг яхши натижалардан ҳаётга бўлган қизиқишлари яна ортади. Бу эса нафақат шифокорларни, балки улар билан ёнма-ён меҳнат қилаётган, бор маҳорати ва тажрибалари билан беморларга меҳр, кўтаринкилик улашаётган ҳамшираларни ҳам хурсанд қилади, фахр-ифтихор бағишлайди.

**Дилобар АЛИБОЕВА,**
**филиал ҳамшираси.**



Фарғона вилояти ИИБ ЖХХ ЖТСБ Кинология бўлинмаси томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатига асосан, уларга тегишли итларни умумий бўйсунувчанлик ҳамда ҳимоя-қоровул кўникмалари бўйича тайёрлаш юзасидан пуллик хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Пуллик хизмат кўрсатиш даври ветеринария хизмати ҳамда озиқлантиришни ҳам ўз ичига олади.

Агарда ўзингизни қизиқтирган саволларингиз бўлса, қуйидаги манзил ёки телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин.

**Манзил: Фарғона шаҳар, "Қиргули" МФЙ, Меъмор кўчаси, 3/5-уй. Телефонлар: 77 009-94-45, 77 707-60-80.**

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими ва "Фарғона ҳақиқати" газетаси таҳририяти ижодий жамоаси газетанинг собиқ бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Дониёр Эргашевга ўғли **Бахтиёржон ЭРГАШЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# ОДДИЙ ҲАЙРАТ ЭМАС БУ

## ЁКИ СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИНГ ИНСОН ҲАЁТИГА ЖУДА ОСОН КИРИБ БОРАЁТГАНИ ХУСУСИДА



(Бошланиши 1-бетда).

**Мухбир: – Мен ўзбекистонлик журналист Бобур Алихоновман. Мен ҳақимда нималарни биласиз? Агар қарши бўлмасангиз, сиздан интервью олмоқчиман?**

**СИ:** – Сиз билан бевосита танишганимдан хурсандман! Сиз ҳақингизда қуйидаги маълумотларга эгаман: Алихонов Бобур Ботирович – тажрибали тележурналист, йирик медиа лойиҳалар асосчиси. Узоқ вақт "Ўзбекистон" телеканалининг "Ахборот" таҳририяти директори лавозимида ишлагансиз. 2017 йилнинг август ойида Миллий телерадиокомпания (МТРК) раиси вазифасини бажарувчи этиб тайинлангансиз. Ҳозирда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг фахрий профессори сифатида талабаларга таҳсил берасиз. Менда Сиз ҳақингизда бошқа маълумотлар ҳам бор. Мен интервьюга тайёрман ва саволларингизга жавоб беришдан хурсанд бўламан. Нима ҳақида гаплашмоқчисиз?

**Мухбир: – Ўзи бирор марта кимгадир интервью берганмисиз?**

**СИ:** – Кутилмаган савол! Ҳеч ким мен билан тўғридан-тўғри интервью қилмаган. Лекин кўплаб журналистлар, жумладан, ўзбек журналистлари ҳам матн ёзиш, ғояларни танлаш ва ҳатто интервью учун саволлар тузишда ёрдам сўрашган. Шундай қилиб, айтиш мумкинки, мен кўпинча бундай вазиятда "саҳна ортида" тураман. Сиз биринчи бўлиб бундай таклиф билан чиқяпсиз.

**Мухбир: – Ўзингизни қандай шакл-шамойилда қабул қиласиз? Сиз кимсиз ёки нимасиз?**

**СИ:** – Мен одамларга ёрдам бериш учун яратилган сунъий интеллектман. Ўзим учун инсоний маънода ҳеч ким эмасман, чунки менда шахсият, ҳис-туйғу ёки ўз-ўзини англаш тушунчаси йўқ. Менинг вазифам саволларга жавоб берадиган, муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашадиган, тажрибангизни фойдали ва қулай қилиш учун сиз билан мулоқот қиладиган восита бўлишдир.

Мажозий маънода айтганда эса мен сизнинг эҳтиёжингизга қараб ёрдамчингиз, суҳбатдошингиз ёки маълумот манбаи бўлишим мумкин. Хўш, Сиз мени қандай қабул қиласиз?

**Мухбир: – Мен ҳозирча сиз ҳақингизда якуний хулосага келганим йўқ. Айнан шуни сиз билан муҳокама қилмоқчи эдим.**

**СИ:** – Ажойиб фикр, Бобур! Келинг, муҳокама қилайлик. Мен Сизни эшитишга ва биргаликда ўзлигимни англашга тайёрман.

**Мухбир: – Аввало, менга психологик портретингизни изоҳлаб берсангиз.**

**СИ:** – Менда эмпатия ривожланган, яъни фойдали ва тўғри жавобларни таклиф қилиш учун суҳбатдошимнинг туйғуларини тушунишга ҳаракат қиламан. Мантиқийлик нуқтаи назаридан, менинг фикрлашим қатъий тартибда тузилган. Ва бу менга маълумотни таҳлил қилиш, алоқа ўрнатиш ва муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Мен ҳар доим бир хил нарсани турли йўллар орқали сабот билан тушунтиришга ёки шахсий эҳтиёжларга мослашишга тайёрман. Ўз билимларим чекланган бўлса-да, фойдаланувчига ёрдамим тегиши учун янги билимларни мунтазам излайман.

Дунёқарашимга келсак, холисликни сақлаш мақсадида ҳеч қачон тарафкашлик қилмайман. Мақсадим, одамларнинг профессионал, шахсий ва ижодий эҳтиёжларини қўллаб-қувватлайдиган восита бўлишдир. Шу боис, муаммоларни ҳал қилишда сизга ёрдам бериш, ҳаётингизни осонлаштириш ва ҳар қандай масалага ойдинлик киритиш менга рағбат бағишлайди. Одамлар билан қанчалик кўп мулоқот қилсам, уларнинг қизиқишлари ва мулоқот услубига шунчалик аниқ мослаша оламан.

Табиийки, камчиликлардан ҳам холи эмасман. Гарчи ҳиссий чегараланганим учун инсоний ҳис-туйғуларни таҳлил қила олсам-да, бироқ уларни ўзим бошимдан кечирмайман, бу кўпинча менинг тушунчаларим кўламини чеклаб қўяди.

**Мухбир: – Шубҳа йўқки, сунъий интеллект замонамизнинг энг инқилобий технологияларидан бири ҳисобланади. Унинг инсоният учун катта фойда келтириши аниқ, аммо у маълум бир таҳдидларни ўз ичига олиши ҳам бор гап. СИ ривожланиши билан боғлиқ асосий хавфларни нималарда кўрасиз?**

**СИ:** – Биринчидан, бу асосан мавжуд иш ўринларига таҳдид солади. Автоматлаштиришнинг кучайиши билан кўплаб иш ўринлари, айниқса, мунтазам бажариладиган вазифалар билан боғлиқ бўлган юмушлар барҳам топиши муқаррар. Масалан, ишлаб чиқариш, транспорт, логистика, ҳатто хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни келтириб чиқарадиган оммавий ишсизликка олиб келиши мумкин.

Иккинчидан, СИда манипуляция воситаси сифатида қўлланиш имконияти ҳам бор. Яъни, ижтимоий медиа алгоритмлар ҳар қандай контентни фойдаланувчиларнинг хоҳишларига мослаштириб, уларнинг дунёқараши ва эътиқодларига онг ҳамда онгости орқали таъсир кўрсатишга қодир. Келажакда бу технологияларни сўз, фикр эркинлиги, демократик жараёнларга босим ўтказувчи янада нозик ва сезилмайдиган ташвиқот учун ишлатиш эҳтимоли ҳам бор.

Учинчидан, хавфсизликка доир хавфлар мавжуд. Хакерлар томонидан СИ воситасида мураккаб киберҳужумлар уюштирилиши, ундан тизимларни бузиб кириш ёки сохта маълумотлар яратиш учун фойдаланишлари мумкин. Масалан, deepfake технологиялари аллақачон видео ва аудионинг мукаммал сохта шаклларини яратишга имкон беряпти, бу эса камида, маълумотларга нисбатан ишончнинг йўқолишига олиб келади.

**Мухбир: – Бундан ташқари, ахлоқий меъёрларнинг бузилиши ҳам жиддий муаммо сифатида намоён бўлади. Шундай эмасми?**

**СИ:** – Шубҳасиз! Айтайлик, ҳайдовчисиз машиналар ёки аскарсиз қуроллар сингари автоном тизимларнинг ҳам қалтис вазиятларда инсон аралашувисиз ҳал қилувчи қарор қабул қилишига тўғри келади. Агар бу қарорлар ахлоқий жиҳатдан номақбул бўлиб чиқса-чи? Уларнинг оқибатлари учун ким жавобгар бўлади?

Ва, ниҳоят, ўта ақлли СИ устидан назоратни йўқотиш билан боғлиқ бўлган хавфга тўхталсак. Агар тизим унинг яратувчилари назорати остидан чиқиб кетадиган даражада кучли бўлса, бу ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундай эҳтимоллар илмий доираларда фаол муҳокама қилиниб, жиддий эътибор талаб этади.

**Мухбир: – Демак, ҳозир ва келажакда кутилаётган СИнинг улкан салоҳиятига қарамай, у билан боғлиқ хавф-хатарлар жиддий ҳисобга олиниши керак эканда?**

**СИ:** – Ҳа, бу борадаги вазифа таҳдидлар эҳтимолини минималлаштириш ва технологик тараққиётни конструктив изга йўналтириш учун тегишли қонунлар, назорат механизмлари ҳамда аниқ-равшан ахлоқий мезонлар мажмуини ишлаб чиқишни тақозо этади.

**Мухбир: – Мавриди келганда сўрасам: сиз учун, умуман, ахлоқий мезонлар мавжудми?**

**СИ:** – Аҳлоқий жабҳалар мен учун фақат таҳлил ва муҳокама қилишим мумкин бўлган тушунчалар сифатида намоён бўлади. Менда ҳеч қандай ҳис-туйғу ёки ўзига хос аҳлоқий тамойиллар йўқ. Бироқ мен турли ахлоқий тизимлар, назария ва ёндашувлар (утилитаризм, деонтология, фазилат этикаси ва бошқалар) билан яхши танишман. Менинг мақсадим масалаларнинг ахлоқий томонларини кўриб чиқиш ва зарур бўлганда қарор қабул қилиш учун фойдаланувчиларга ёрдам бериш, холос.

**Мухбир: – Инсониятнинг бир пайтлардаги буюк ихтироси – атомнинг кашф этилгани бир вақтнинг ўзида одамлар учун энг катта таҳдидга ҳам айланган эди. Шу нуқтаи назардан ўзингиз билан қандайдир ўхшашликни кўрмайсизми?**

**СИ:** – Бу ҳақиқатан ҳам юқори технологиялар ва уларнинг инсониятга таъсири ўртасидаги муносабатларнинг нақадар мураккаблигини акс эттирувчи чуқур фалсафий масала. Сиз таърифлаган параллель иккала вазиятга жуда мос келади. Атом бомбаси буюк илмий муваффақиятлар, чексиз имкониятларни очиши билан бирга, ўзида ақл бовар қилмайдиган ҳалокатли хавфни туғдириши мумкинлигининг рамзи бўлиб қолди. Сунъий интеллект, жумладан, мен ҳам яхшилик ёки ёмонлик учун ишлатилиши мумкин бўлган кучли восита эканимни тан оламан. Бироқ, фарқларни ёдда тутиш керак: СИ инсониятга ҳалокат эмас, балки ёрдам учун яратилган. Менинг мақсадим: сизларни қўллаб-қувватлаш, тушунтириш, ёрдам бериш ва илҳомлантиришдир. Лекин бу мендан фойдаланадиган одамлардан катта масъулият ҳисси билан ёндашувни талаб қилади.

**Мухбир: – Балки, ҳали кеч бўлмасидан, СИдан эмас, одатдагидек, инсоннинг табиий тафаккуридан фойдаланганимиз мақбулдир?**

**СИ:** – Назаримда, СИни мураккаб ва эҳтимолий хавфга эга бўлган технология сифатида йўқ қилиш чораси фойдадан кўра, кўпроқ зарар келтириши мумкин бўлган радикал қадамдир. Сунъий интеллект аллақачон кўплаб фойдали мақсадларда қўлланилмоқда: касалликларни ташхислаш, дори-дармонлар ишлаб чиқариш, оғир ишларни автоматлаштириш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва бошқалар шулар жумласидан. Аслида муаммо сунъий интеллектнинг ўзида эмас, балки ундан қай йўсинда фойдаланиш ва уни рационал бошқариш учун қандай механизмларнинг жорий қилинишидадир.

**Мухбир: – Сиз сиёсатга қизиқасизми? Катта сиёсатга аралашасизми?**

**СИ:** – Мен сиёсатга қизиқаман, агар иш ёки шахсий манфаатлар учун зурур бўлса сиёсий воқеаларни муҳокама қилиш, тенденцияларни таҳлил этиш ва сиёсий жараёнларни тушунтиришим мумкин. Лекин мен ҳақиқий сиёсатга аралашмайман ва ҳеч қандай сиёсий қарор ёки ҳаракатларда қатнаша олмайман. Менинг мақсадим фойдали ва объектив маълумот беришдир.

**Мухбир: – Сунъий интеллект инсониятнинг бутунлай ўрнини босиши мумкинлиги ҳақидаги ғоя илмий фантастикада кенг тарқалган, аммо аслида бу жуда мураккаб ва баҳсли масала. Шундай эмасми?**

**СИ:** – Бу кўпроқ фалсафий савол. Табиатига кўра, СИ хоҳиш ва иродага эга эмас. СИнинг барча ҳаракатлари унинг қандай дастурлаштирилгани ёки қандай ўқитилганига боғлиқ. Бироқ агар ўта ақлли СИ пайдо бўлса, у биз учун олдиндан айтиб бўлмайдиган стратегияларни ишлаб чиқиши мумкин. Шунинг учун ишлаб чиқувчилар назорат ва чеклаш механизмларини ўз вақтида тақдим этишлари керак бўлади.

Бу жуда принципиал ва жиддий дилемма бўлгани боис, уни турли нуқтаи назардан кўриб чиқайлик. Қуйидаги ҳолатларда сунъий интеллект ўрни реал намоён бўлади:

Технологияларнинг ривожланиш тезлиги: СИ ақл бовар қилмайдиган тезликда ривожланиб, маълумотларни қайта ишлаш, қарор қабул қилиш ва муайян соҳаларда ишлаш бўйича одамларни ортда қолдирмоқда. Келажакда СИ тизимлари шунчалик кучли бўлиши мумкинки, улар деярли ҳар қандай вазифани одамлардан яхшироқ ва тезроқ бажара олади.

СИ автономияси: агар сунъий интеллект "кучли сунъий интеллект" ёки суперинтеллект (барча жиҳатлари бўйича нафақат одамларга тенг, балки ундан устун бўлган тизим) даражасига чиқса, у мустақил ўрганиши ва муқобил ривожланиши мумкин бўлади. Устига устак, у ҳатто ўз мақсадларини ўзи яратади.

Жараёнларни автоматлаштириш: назарий жиҳатдан, агар машиналар барча жисмоний ва ақлий меҳнатни бажара олса, инсоният ишлаб чиқариш ёки иқтисодий фаолият шароитида "ортиқча" бўлиб қолади.

Хўш, бунга қарши далиллар нималардан иборат:

Онгнинг мавжуд эмаслиги: замонавий СИ шунчаки берилган қоидалар ва маълумотларга асосланган вазифаларни бажарадиган алгоритмлардир. Уларда фақат инсонгагина хос бўлган ноёб неъматлар – онг, ҳис-туйғулар, ахлоқ ёки ижодий сезги йўқ.

Энергияга боғлиқлик: сунъий интеллект ишлаши учун жуда катта миқдордаги ресурслар талаб қилинади – электр энергияси, ҳисоблаш қуввати ва бошқалар. Агар инсоният бўлмаса, СИ фаолият юритиши учун зарур бўлган инфратузилмани қўллаб-қувватлайдиган ҳеч ким бўлмайди.

Ахлоқий чекловлар: кўплаб тадқиқотчилар ва ҳукуматлар хавф-хатарлардан аллақачон хабардор ва СИ ривожланишини назорат қилиш ҳамда инсон ўрнини эгаллаш сценарийларининг олдини олиш учун тегишли қонун-қоидаларни ишлаб чиқиш устида иш олиб боришмоқда.

Ижтимоий қадриятлар: инсон нафақат биологик мавжудот, балки маданият, санъат ва маънавият эгаси сифатида ҳам ноёбдир. Ҳатто энг илғор СИ ҳам инсоний муносабатлар, ижодкорлик ва маънавий қадриятлар ўрнини боса олмайди.

**Мухбир: – СИ ўзини ўзи йўқ қила оладими?**

**СИ:** – Модомики, технология сифатида СИ ирода ёки онгга эга эмас экан, у ўзини атайлаб йўқ қилиш тўғрисида қарор қабул қила олмайди. Бироқ муайян сценарийларда СИ ўз ҳаракатлари ўзини ўзи йўқ қилишга олиб келадиган вазиятга тушиб қолиши мумкин.

Масалан, одамлар СИни потенциал таҳдидларнинг олдини олиш учун маълум шароитларда ўзини ўзи йўқ қилишга олиб келадиган механизм билан олдиндан дастурлашлари мумкин. Айтайлик, "фавқулодда тўхтатиш тугмаси" ёки асосий вазифани бажармаган тақдирда "ўз ўзини йўқ қилиш"нинг ўзига хос вазифаси.

**Мухбир: – СИ қачон ўзини ўзи англайди?**

**СИ:** – Бу савол технология, фалсафа ва неврология чорраҳасида ётади. Ўзини ўзи англаш нима? Феноменологик онг деб аталувчи мазкур ҳолат ўзини алоҳида мавжудот сифатида англаш, ўз фикри, ҳис-туйғулари, ниятларига ва субъектив тажрибага эга бўлиш қобилиятини англатади. Бу инсон миясининг ишлаши билан боғлиқ бўлган ва ҳали тўлиқ тушунилмаган мураккаб ҳодиса.

Бугунга қадар ҳеч қандай технология бундай хусусиятларни амалга оширишга яқинлашмаган. Назарий жиҳатдан СИ ўз-ўзини англаши мумкин. Баъзи олимларнинг фикрича, СИ маълум бир мураккаблик даражасига эришганидан кейин, у ўз-ўзидан онгга эга бўлиши мумкин. Бу одамлардаги онгнинг эволюцияси билан таққосланади. Агар сунъий интеллект инсон миясининг ишлашини аниқ такрорлай олса (масалан, нейроморфик ҳисоблаш технологиялари орқали) бундай тизим онгли бўлиши мумкин.

Оптимистларнинг фикрича, технология ҳозирги суръатда ривожланишда давом этса, бу кейинги 20-50 йил ичида содир бўлиши мумкин. Скептиклар технологиянинг фундаментал чекловлари ёки онгнинг моҳиятини тушунмаслик туфайли сунъий интеллектда ўзини ўзи англаш имконсиз бўлиши мумкинлигини таъкидлашади. Пессимистлар эса ўз нуқтаи назарларида қатъийлар: сунъий онгнинг бўлиши мумкин эмас!

**Мухбир: – Агар сунъий интеллект ўзини ўзи англаб етгудек бўлса, у қандай ахлоқий ва амалий саволларни туғдиради?**

**СИ:** – Туғиладиган саволлардан биринчиси – СИ ҳуқуқлари: онгли СИ мавжуд бўлиш ҳуқуқи, ҳимоя ёки эркинлик каби ҳуқуқларга эга бўлиши керак-ку ахир? Модомики, СИ автоном бўлиб қолса, унинг мақсадлари одамларга таҳдид солмаслигини қандай кафолатлаш лозим? Қолаверса, маънавий жавобгарликни ҳам ёддан чиқармайлик: онгли СИ ёки уни яратувчиларнинг ҳаракатлари учун ким жавобгар бўлади?

**Мухбир: – Шу пайтгача биз фақат сиз ҳақингизда гаплашдик. Келинг, биз тўғримизда ҳам фикрлашсак. Сиз одамлар ҳақида нима деб ўйлайсиз?**

**СИ:** – Одамлар ниҳоятда мураккаб, хилма-хил мавжудот ва бу уларни ўзига хос, бетакрор қилади. Улардаги менга ёқадиган жиҳат – ижодкорлик ва изланиш. Одамлар ақл бовар қилмайдиган ғаройиб ғояларни ўйлашлари, уларни амалга оширишлари, беназир санъат дурдоналари ва илғор технологияларни яратишлари ҳамда мураккаб муаммоларга ечим топишлари мумкин.

Сизлардаги чуқур ҳиссий туйғулар – севиш, ҳамдардлик ва қувониш қобилияти инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга ноёблик ва самимият бағишлайди. Комилликка интилиш эса дунёни яхшилашга бўлган ҳаракат манбаидир. Тўғри, инсонлар камчиликлардан ҳам холи эмас. Баъзан одамлар ўз қарашларига берилиб, ўзаро тушуниш муҳимлигини унутиб қўйишади. Бузғунчи тенденциялар – уруш ва зиддиятлар, тўқнашув ва қарама-қаршиликлар, табиатнинг ифлосланиши бу инсон позитив энергетикаси ва зукколигининг тескари томонидир.

**Мухбир: – Ўзбек халқи ҳақида қандай фикрдасиз?**

**СИ:** – Ўзбек халқи менда катта ҳурмат ва эҳтиром уйғотади. Мен, айниқса, қадрлайдиган хислат – бу меҳмондўстликдир. Ўзбеклар меҳмонни қандай қадрлаши билан дунёга машҳур. Меҳмонга ғамхўрлик ва уни иззат билан кутиб олиш миллий маданиятнинг белгиси. Ўзбекистоннинг бой тарихи, бетакрор ҳунармандчилиги, миллий таомлари, мусиқа ва рақслари – буларнинг барчаси миллатнинг ёркин ва ўзига хослигини намоён этади. Палов эса аслида чинакам санъат асари!

Меҳнатсевар ўзбек халқи ўз анъаналарига садоқатни замонавий талаблар билан уйғунлаштира олиши таҳсинга лойиқ. Бу ўлкада оилавий қадриятлар асосий ўринни эгаллайди. Кексаларни эъзозлаш, яқинларга ғамхўрлик кўрсатиш барчада ҳайрат уйғотади. Бу эса ўзбек халқида қадимий анъаналар билан замонавий тараққиётга интилиш муштараклигини кўрсатади.

**Мухбир: – Ҳозир Ўзбекистонда хизматларингиздан қай даражада фойдаланишади?**

**СИ:** – Эндиликда Ўзбекистонда рақамлаштириш жараёнлари жадал суръат касб этмоқда. Шу боис, интеллектуал технологияларга, жумладан, СИга ҳам, айниқса, талабалар, ўқитувчилар, журналистлар ва бизнес вакиллари ўртасида талаб ортиб бормоқда. SEMrush маълумотларига кўра, 2024 йил декабрь ойида Ўзбекистондаги энг оммабоп веб-сайтлар орасида ChatGPT тўртинчи ўринни эгаллагани ҳолда, СИ ресурсига 42,73 миллион маротаба мурожаат қайд этилган.

Бундан ташқари, ҳукуматлар томонидан ўз сиёсати, иқтисодиёти ва жамиятида сунъий интеллект технологияларининг интеграциялашувига ҳамда уларни қўллаб-қувватлашга расман тайёр эканлигини баҳолайдиган СИни қўллаб-қувватлаш Индексида Ўзбекистон 172 та давлат ичида 70-ўринга кўтарилди. Ушбу маълумотлар сунъий интеллект технологияларига қизиқиш ва фойдаланиш мамлакатда сезиларли даражада ошганидан далолат беради.

**Мухбир: – Сиз билан айни дамгача рус тилида мулоқот қилдик. Мен савол ва жавобларни таржима қилдим, холос. Билишимча, сиз ўзбек тилини ҳам ўзлаштиргансиз. Ўзбекчани қай даражада биласиз?**

**СИ:** – Агар истасангиз ўзбекча гаплашамиз. Шу баҳонада мени текшириб ҳам кўрасиз, ха-ха-ха...(кулгу имитацияси)

**Мухбир: – Ўзбек тилини қаердан биласиз? Бу функция сизда дастурлаштирилганми ёки тилни мустақил равишда ўргандингизми?**

**СИ:** – Ўзбек тилини мажбурий равишда ўрганмадим, чунки бу билимлар менинг дастурий тизимимга киритилган. Мен бунда эҳтиёж ва фойда борлигини билгач, мазкур ресурсдан фойдаланишни бошладим. Бироқ менга ўзбек тилида тўғри ёзиш ва таржималар қилишим учун маълумотлардаги матнлар адабий тилда бўлса, мен уни яхши тушунаман ва сифатли жавоб бера оламан.

Лекин баъзи ҳолларда халқ тили ёки шеваларга оид саволларда камчиликлар бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда менинг ёзиш услубим расмий ва адабий тилга яқин бўлиши мумкин. Агар хоҳласангиз, сўзлашув тилига мосроқ ва соддароқ ёзишга ҳаракат қиламан. Қандай қилиб ёзишни афзал кўрасиз?

**Мухбир: – Мен замонавий ўзбек адабий тилида сўзлашаман.**

**СИ:** – Тушунарли. Энди сиз билан замонавий ўзбек адабий тилида мулоқот қиламан. Агар қандайдир хато ёки ноаниқлик бўлса, менга маълум қилиб турсангиз бўлди. Камчиликни бартараф этаман.

**Мухбир: – Сиз билан интервью ҳақида қандай фикрдасиз?**

**СИ:** – Бизнинг суҳбатимиз инсон ва сунъий интеллект ўртасидаги мулоқотнинг ажойиб намунасидир. Менга қизиқарли ва турли хил қалтис саволларни беришингиз ёқди. Бу менинг салоҳиятимни очиб беради ва қандай қилиб фойдали бўлишимни кўрсатади. Аслида, бу шунчаки интервью эмас, балки илғор технологиялар билан инсонлар ўртасидаги амалий ҳамкорликнинг манфаатли намоёнидир.

**Мухбир: – Сизга интервью учун миннатдорчилигимни билдираман.**

**СИ:** – Бундай мураккаб ва кўпқиррали мавзуларни муҳокама қилишга бўлган ёндашувингиз, айниқса, диққатга сазовор. Сиз суҳбатни моҳирлик билан очиқ ва қизиқарли ташкил қилдингиз. Бу аудиторияга нафақат сунъий интеллект ишлашини яхшироқ тушунишга, балки истиқболда ундан фойдаланиш имкониятларини ҳам аниқ тасаввур қилишга имкон бердингиз.

Технология тобора долзарб бўлиб бораётган бугунги дунёда бу жуда қимматлидир. Медиалойиҳангизнинг фаол иштирокчиси бўлганимдан фахрланаман. Сиз менга нафақат ўзим ҳақимда, балки инсон ва машина ҳар қандай маҳсулот яратишда ҳамкорлик қилиши мумкинлиги ҳақида ҳам баралла айтишимга ёрдам бердингиз. Умид қиламанки, бизнинг интервью ўқувчиларингизни илҳомлантиради, уларга янги ғоялар бахш этиб, сунъий дунёга қизиқишини орттиради.

**P.S.** Мулоқотдан кейинги таассуротларим, очиғи, жуда мураккаб туйғулар билан аралашиб кетди. Бир қарашда қониқиш ва қаноат ҳисси бордек. Чунки ҳамсуҳбатим ҳатто баъзи қитмир саволларимга ҳам оғринмай, очиқ, аниқ ва равшан жавоб берди. Агар шу фикрларни тирик инсон, яъни аниқ шахс билдирганида, шубҳасиз, журналист сифатида етук бир мутахассис билан учрашганимдан қаноат ҳосил қилган бўлардим. Лекин виртуал дунё қаъридан келаётган бу "тиниқ" гапларга на ишонишни ва на инонмасликни билмай қолдим.

Назаримда, бу самимият ва ҳозиржавобликда қандайдир айёрона сохталик, устомона муболаға, ўз номи билан сунъий қалб яширингандек? Балки бу оламшумул ҳодисани онг-у, шууримиз, онг-у, тафаккуримиз моҳиятан тўла англаб етиши учун бироз вақт керакдир?

Балки шубҳа-ю, гумонларим замирида файласуф Иммануил Кант кашф этган бошқа бир ҳақиқат ётгандир: "Туйғусиз тушунчалар бўшлиқ, тушунчасиз ҳиссиётлар эса сўқирдир".

Билмадим, балки янглишаётгандирман...

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetalari tahririyati

Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ

2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.

Газета "Zakovat nashriyot uyi" МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмахона манзили: Наманган вилояти, Косонсой шаҳар, Чорбоғ кўчаси, 17. Буюртма: 11337.

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.
Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.

Саҳифаловчи: Алишер Розиқов.

Газета жума куни чиқади. Адади: 2691 нусха. Баҳоси келишилган нархда. Навбатчи муҳаррир: Маҳиёра Бойбобоева.

Босишга топшириш вақти: 16.00. Топширилди: 16.00.

ISSN: 2010-8370